Ушбу сонда:
2 Бугуннинг долзарб муаммоси ТАБИИЙ МУВОЗАНАТГА ЗАРАР ЕТГАНДА
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАХМАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 4 сентябр, шанба № 124 (771)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАЙЛИК

**Халқимизнинг муқаддас эътиқоди - Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, буюк алломаларимизнинг илмий ғоялари ва асарларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада тадқиқотлар олиб бориш, малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент Ислом университети ташкил этилган эди. Мазкур Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга мувофиқ, Тошкент Ислом университетининг ислом тарихи ва фалсафаси факультети, фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетида бу йил юз нафар талаба таҳсил ола бошлади. Шунингдек, университет қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей очилиши ҳам кўзда тутилган.**





3 сентябр куни пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган мазкур олий ўқув юртининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Ўрта Осиёда ягона Ислом университетининг айнан шу ерда жойлашиши бежиз эмас. Чунки, улуғ ота-боболаримиз - Юнусхон, Шайхи Хованди Тоҳур, Қалдирғочбий мақбаралари қад ростлаган бу маскан ҳар бир мусулмон учун азиз ва мукаррам. Шўролар даврида бу зиёратгоҳлар ташландиқ ҳолатга келиб, вайронага айлантирилган, бу билан халқимизнинг эътиқоди, ғурури камситилган эди.

Шу боис ҳам дастлаб давлатимиз раҳбари тантанага тўпланган уламолар, дипломатик корпус вакиллари билан биргаликда Юнусхон мақбарасини зиёрат қилди. Шу ерда Йўлбошчимиз Тошкент Ислом университетининг ҳурмат китобига биринчи дастхатни битди: «Бундай муқаддас, азиз жойларни зиёрат қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз».

Шундан сўнг Тошкент Ислом университетининг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент Ислом университетининг очилиши нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки бутун ислом дунёсида ҳам катта воқеа эканлигини таъкидлади.

Ўйлайманки, жамоатчилигимиз, узоқ-яқин қўшниларимиз орасида табиий бир савол туғилиши мумкин, деди Президент. Нима мақсадда бундай исломий билим маскани ташкил этилди? Бу саволга жавобни ўтган саккиз йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳалардаги, авваламбор маънавият борасидаги амалий ишларимизда, ҳаётимиз қиёфасини, маъно-мазмунини мутлақо ўзгартираётган ислоҳотларда топиш мумкин. Миллий ва диний қадриятларимизни, маънавиятимизни қайта тиклаётган, буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини рўёбга чиқариб, ўрганиб, татбиқ этаётган бир пайтимизда, навбат ушбу олий диний таълим даргоҳини таъсис этишга келди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз мана шу оддий фикрни чуқурроқ ва кенгроқ англаш учун «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» рисоласида таъкидланган, ўзбек халқи эътиқодининг мазмунини ифодаловчи, ҳар биримизнинг табиатимизга хос бир хусусиятга эътиборни жалб этди.

Миллатимизни барчамиз учун муқаддас ота-боболаримиз динидан айри ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайди, деди Ислом Каримов. Исломий қадриятлар ва тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, халқимизнинг ҳар бир вакили нимағаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Кечираётган ҳаётини Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизга берган энг олий неъмат, деб қабул қилади.

Халқимиз, миллатимиз энг оғир синовларни, бошига тушган не-не мушкул азоб-уқубатларни кўрган. Лекин унинг иймони ва иродаси букилмаган, сўнмаган ва синмаган. Ўша манфур советлар даврида ҳам биз виждонимизга, динимизга, эътиқодимизга хиёнат қилганимиз йўқ. Бундан буён ҳам иншооллоҳ хиёнат қилмаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида Тошкент Ислом университетининг олдига қўйилган мақсадлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Биринчидан, дин асосларининг ўрни ва тарихи ҳақида билимга эга бўлиш. Ислом - ота-боболаримизнинг муқаддас дини эканини, ҳаётимизда тутган ўрни, буюклиги ва илоҳийлигини инобатга олиб, шу олий даргоҳ орқали бу азалий ҳақиқатни яна бир бор исботлаш, унинг ривожига ҳисса қўшиш, мухтасар қилиб айтганда, Аллоҳ олдидаги бурчимизни адо этиш, деди Президент.

Муқаддас динимизни, Қуръони карим оятларини, ҳадисларни чуқур ва кенг ўрганиш, тарғиб қилиш, халқимиз, миллатимиз, ёш авлодимиз бу бебаҳо хазинадан баҳраманд бўлишига шароит туғдириш ва шулар асосида маънавий ҳаётимизни юксалтириш бу олий даргоҳ раҳбарияти, ҳайъати, ўқитувчилари, илмий ходимларининг асосий вазифалари, деб биламан. Бу мақсадларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмак бериш барчамизнинг муҳим бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, мамлакатимизда маълум сабабларга кўра ҳукм сураётган диний билим ва маданият бўйича чаласаводликни бартараф этиш. Зеро, шу чаласаводлик, жаҳолат, эътиқодсизлик туфайли қандай фожеалар содир бўлиши мумкинлигини ҳаёт тажрибасида кўрмоқдамиз.

Учинчидан, ҳозирги вақтда дунёда бир ярим миллиард мусулмон яшаётган бўлса, уларнинг дин соҳасидаги босиб ўтган йўлига, тарихига бир назар ташласак, бизнинг диёримиздан чиққан буюк алломаларнинг ислом назарияси, фалсафаси, маданияти ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс даражада улкан эканини кўрамиз. Бу - аллақачон ўз исботини топган ҳақиқат.

Улуғ мутафаккир ва авлиёлар - Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Замахшарий каби минглаб аждодларимиз қолдирган меросни чуқур ўрганиш, уни мужассамлаштириб, халқимизга, энг аввало, ёш авлодга етказишдек вазифани ўз зиммамизга олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир, дея таъкидлади Йўлбошчимиз.

Тўртинчи асосий мақсад эса, шу олий илм даргоҳида таҳсил олган, тарбия топган ёшларимиз ичидан Бухорий, Термизий, Замахшарий, Нақшбандий каби алломалар тайёрлашдир.

Бешинчидан, динни фақат бир ёқлама эмас, балки дунёвий фанлар билан уйғун ҳолда ўрганиб, ўзлаштириб, ҳосил қилган билим ва тажрибалар асосида маънавият ва маърифатнинг юксалишига, диёримиз ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни барқарорлаштиришга ҳиссамизни қўшиш.

Президент Ислом Каримов ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида жонбозлик кўрсатаётган инсонларга миннатдорлик изҳор этди. Бу нуфузли диний билим масканининг муаллиму мударрисларига катта муваффақиятлар тилади. Бутун халқимизни, барча мусулмонларни бундай янги иқбол ва истиқбол масканининг очилиши билан муборакбод этди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собиров, Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абу Башир Аббос Рофиа, Мисрнинг мамлакатимиздаги мувaққат ишлар вакили Ҳамид Шукрий, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид Баҳромов ва бошқалар Ўрта Осиёдаги ягона Ислом университетининг очилиши Ўзбекистонда бой ўтмиш меросни ўрганиш ва тарғиб қилишга, виждон эркинлиги тамойилини амалга оширишга қаратилаётган эътибор намунаси эканлигини қайд этдилар.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари университетнинг дарсхоналарини кўздан кечириб, уларнинг жиҳозланиши, ўқув дастурларининг мазмуни билан қизиқди. Талабалар билан суҳбат чоғида уларни билимларни пухта эгаллаб, ҳар томонлама етук инсонлар бўлишга чақирди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшлар мамлакатимиз келажагининг бунёдкорларидир.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА мухбири**

**Суратларда: Тошкент Ислом университетининг очилишидан лавҳалар А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

## ОҲАНГАРОН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида маиший хизмат кўрсатиш йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежи ўзининг илк ўқувчиларини бағрига олди. Бу ердаги эски ҳунар билим юрти ўрнида қисқа муддатда замонавий билим маскани қуриб битказилди.

Эътиборли томони шундаки, 600 ўқувчига мўлжалланган мазкур ўқув даргоҳида маҳаллий ёшлар ўрта маълумот олиш билан бирга радио-телеаппаратура, авточилангарлик, котиба-машинистка, сартарошлик каби бир неча мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар эгаси бўлиб чиқади. Улар танланган касб сир-асрорларини пухта эгаллаш учун бевосита ўқув-ишлаб чиқариш машғулотларида қатнашади.

Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш коллежининг талабалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Миннатдорлик мактуби йўлладилар.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ассалому алайкум азиз ва муҳтарам Президентимиз Ислом ота!

Она Ватанимиз Ўзбекистон халқи мустақилликнинг 8 йиллигини шоду-ҳуррам кутиб олган ушбу қутлуғ кунларда биз, оҳангаронлик ёшлар шаҳримизда қўшалоқ байрамни нишонламоқдамиз. Бугундан бошлаб биз Сизнинг бевосита ташаббусингиз ва раҳбарлигингиз остида қайтадан бунёд этилган замонавий, ёруғ ва шинам, кўркам ва чиройли билим даргоҳида таълим ола бошладик.

Бизларга бундай шароитларни яратиб, ғамхўрликлар кўрсатаётганингиз учун бениҳоя миннатдормиз. Аслида ушбу қурилган коллеж Сизнинг биз каби ёшларга кўрсатаётган меҳру оқибатингиз, умид-ишончингизнинг бир учқунидир, холос. «Ўзбекистонлик барча болалар менинг фарзандларим, улар биздан кўра кучлироқ, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган сўзларингиз ҳамиша ёдимизда туради. Сиз ўзбекнинг асрий орзусини ушалтирдингиз. Халққа энг олий неъмат - озодлик ва ҳуррриятни тақдим этдингиз. Биз каби ёшларга порлоқ истиқбол, нурли ҳаёт, жуда катта имкониятлар яратдингиз.

Қадрли ва меҳрибон Юртбошимиз!

Сизнинг бизни бундай ардоқлашингизга, тарбиялашингизга, меҳрибонлигингизга жавобан фидойи ва ватанпарварлик ҳислатларингизни ўзимизда, бутун вужудимизда жо қилган ҳолда Сизга ва Ватанимизга содиқ фарзандлар бўлишга ваъда берамиз.

Биз ёшлар жонажон Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини, бағрикенг, меҳмондўст халқини Сиз каби юракдан севишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, асраб-авайлаш, эл юртимиз равнақи йўлида бутун умримизни, керак бўлса жонимизни ҳам аямасликка тайёрмиз. Ватанпарварликни, кучли ва доно бўлишни, янгиликка интилишни, илмга чанқоқликни Сиздек азиз юртбошимиздан ўрганамиз ва аъло баҳоларга ўқиш ҳамда намунали ҳулқимиз билан ишончингизни оқлашга сўз берамиз. Ўзбекистонимизнинг буюк давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиши учун билимимиз ва куч-ғайратимизни аямаймиз. Ушбу қурилган коллежнинг ҳар доим кўркам, чиройли бўлишига, биздан сўнг ҳам укаларимиз, сингилларимиз ўқишларини билган ҳолда гард юқтирмай сақлаймиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танитишдек тарихий ишларингизда, Ватанимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашингизда, халқимиз асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришингизда катта муваффақиятлар тилаймиз. Бу йўлда биз ёшлар ҳамиша Сизнинг қўш қанотингиз ва мададкорингиз бўлишга ваъда берамиз. Шиддатингиз ҳеч қачон сўнмасин, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

**Ҳурмат ва эҳтиром билан,**
**Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш коллежининг талабалари**

## Жўшқин ҳаёт нафаси

### Ўқувчилар қувончи

Янги ўқув йилида Навоий шаҳри ўқувчиларининг қувончига қувонч қўшилди. Бу ерда янги замонавий билим даргоҳи - қурилиш коллежи олти юз ўғил-қизни ўз бағрига олди. Олисдан келиб ўқийдиганлар учун 200 ўринли ётоқхона муҳайё қилинди. Қурилишга қарийб 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Кармана ва Конимех туманларида ҳам касб-ҳунар коллежлари очилди.

### Бўлажак саноатчилар

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ жойларда кўплаб замонавий лицей ва касб-ҳунар коллежлари мамлакатимиз ёшларини ўз бағрига олмоқда.

Фарғона шаҳрида саноат тармоқларига беш йўналиш бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган ихтисослашган касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Айни кунда ушбу билим масканида 200 нафар ўқувчи саноат тизими йўналиши бўйича билим олишга киришди. Келгусида эса уларнинг сафи 600 нафарга етади. Саноат касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг замонавий андозалар асосида билим олишлари ва касб-ҳунар сир-асрорларини пухта ўрганишлари учун барча шароит яратилган.

* * *

Қўқон шаҳрида ҳам худди шундай саноат касб-ҳунар коллежи очилди. Бу ерда нафақат шаҳар, балки вилоят саноат тармоқлари учун ҳам мутахассислар тайёрланади.

### Бухоро майонези

«Бухороёғ» акциядорлик жамияти қошида майонез ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Бух-Тел» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси ишга тушди. Бу ерда соатига 300 килограмм майонез истеъмолчиларга жўнатила бошлади. Жаҳон андозаларига мос равишда 250 граммдан бежирим қадоқланган ҳолда чиқарилаётган бу маҳсулот хориждан келтирилаётганига қараганда нисбатан арзонлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Унинг таркибида ёғ, сирка, тухум порошоги, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган турли шифобахш компонентлар бор.

Янги корхона Бухородан ташқари Навоий, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари аҳолисини ҳам шундай маҳсулот билан таъминлай олади.

### Ўхшаши йўқ хиёбон

Алпомиш юрти Сурхондарёда юбилей тантаналарига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Термиз шаҳридаги «Дўстлик» истироҳат боғи ёнидаги ўн гектарлик майдонда «Алпомиш» хиёбони, унинг марказида улкан кўл бунёд этилмоқда.

Хиёбоннинг асосий қисмини ёпиқ ва очиқ теннис кортлари, спорт майдончалари, кураш зали, турли томошалар кўрсатиладиган улкан саҳна эгаллайди. Кўл устидан ўтадиган кўприк орқали Алпомишнинг йигирма метрли ҳайкали томон йўл қурилади. Ҳайкал атрофлари гулу гулзор ва манзарали дарахтларга бурканади. Фавворалар ўрнатилади. Барча бунёдкорлик ишлари улкан тўй кунигача ниҳоясига етказилади.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг саккиз йиллигини байрам қилаётган кунда Исроил давлати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини муборакбод этаман ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига шахсий омонлик, шунингдек, Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор қиламан.

**Эзер ВЕЙЦМАН,**
**Исроил Давлати Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Тарихий воқеа - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга қизғин саломларим ва самимий қутловларимни изҳор этишдек буюк шарафга муяссарман.

Мана шу шонли дамларда Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги муносабатлар иккала халқ бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверишига қатъий ишонч билдиришимга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, омонлик, Ўзбекистон халқига муваффақият ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Б.Ю.ҲАБИБИЙ,**
**Индонезия Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан Камбожа халқи, Камбожа Қироллик ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин қутловлар ҳамда сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва узоқ умр, шунингдек, шавкатли ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб билдирган самимий истакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар бундан буён мустаҳкамланаверади. Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Нородом СИАНУК,**
**Камбожа Қироли**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Қувончли воқеа - Мустақиллик куни муносабати билан Мальдив ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қизғин қутловлар ва самимий истаклар йўлламоқчиман.

Шунингдек Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни ҳам йўллайман.

**Момун Абдул ҚАЮМ,**
**Мальдив Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Миллий байрам - Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисини сидқидилдан муборакбод этаман. Барча татаристонликлар ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон аҳолисига тинчлик, омонлик ҳамда кучли, гуллаб-яшнаётган давлатни мустаҳкамлаш ишида муваффақиятлар, Сизга эса, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фаолиятингиз янада самарали бўлишини тилайман.

Ишончим комилки, Татаристон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш муштарак манфаатларимизга мос келади ҳамда икки томонлама муносабатларни авж олдириш, ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик соҳасида тўпланган салоҳиятни кўпайтириш мақсадида бундан буён ҳам баҳамжиҳат ҳаракат қилишимизга чин дилдан умид билдираман.

**Эҳтиром билан,**
**М.ШАЙМИЕВ,**
**Татаристон Республикаси Президенти**

*Замонавий илм масканларида*

# БАХТИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан республикамизда кўплаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қурилмоқда. Биз ана шу муҳим йўналишда амалга оширилаётган ишлар, Миллий дастур талаблари қандай бажарилаётганини билиш учун шу соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашдик.**

—1999 йилнинг 1 сентябригача Республикамиз ҳудудида 102 та касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицей ишга туширилди, - деди республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг муовини Хайриддин Маъсудов.- Бу ўқув юртларини замонавий жиҳоз ва дастгоҳлар билан таъминлаш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунда албатта энг тараққий этган давлатлар - Япония, Германия, Жанубий Курияда ишлаб чиқарилган турли дастгоҳлар, ўқув лаборатория ускуна ва аппаратларига имтиёзлар берилади. Ҳозирга келиб 32 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей замонавий компьютерлар ва лингофонлар билан жиҳозланди. Ҳар бир ўқув масканига ўрта ҳисобда 7,5 миллион сўмлик жиҳоз ва дастгоҳлар тўғри келди. 14та ўқув юртига Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларидан қолишмайдиган лингофонлар ўрнатилди. Шуниси қувончлики, улар хорижникига қараганда икки марта арзон ва сифатлидир.

Президентимиз Ислом Каримов юртимизда келажакда билимдон, ўз соҳа мутахассислиги бўйича барча ишларга қодир, замонавий товарлар ишлаб чиқаришга асос бўладиган бу янги билим масканларига алоҳида аҳамият бермоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир касб-ҳунар коллежи, академик лицей зарур бўлган барча асбоб-ускуна, дастгоҳлар билан тўла таъминланиши шарт. Чунки ўқиётган ўқувчилар ўз соҳалари бўйича пухта билим олишлари даркор. Бу эса талабанинг ўз касбини юқори малакали даражага етказишига имкон беради. Бинобарин, улар келажакда ўз соҳаси бўйича хусусий иш юритиши ва айримлари ўз корхонасини кенгайтириб бориши мумкин.

Тошкент шаҳар Маннон Уйғур кўчасида замонавий, 600 ўқувчига мўлжалланган республикамизда ягона Тошкент шаҳар қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Биз коллеж ўқув ишлари бўйича директор муовини Шерқўзи Жуманов билан суҳбатлашганимизда у шундай деди:

- Коллежимизда кўплаб янги соҳалар очилди. Бу йил 300 нафар ўқувчини қабул қилдик. Ҳар бир соҳа бўйича 25 тадан ўқувчи олинди. Газ таъминоти соҳасига эса 50 ўқувчи тўғри келди. Келажакда ўқувчиларнинг чуқур билим эгаси бўлишлари учун энг асосий шароитлар яратиб берилди.

Биз коллеж фаолияти билан атрофлича танишдик. Бу ерда янги йўналишлар - янги сув таъминоти, газ таъминоти, ускуналар ва жиҳозларни таъмирлаш, интерьер ва жиҳозлар архитектураси бўйича лойиҳалаш, менежментлар, тижорат фаолияти бўйича мутахассислар тайёрлаш мўлжалланган. Бу соҳаларнинг айримлари ҳатто олий ўқув юртларида ҳам йўқ. Яна эътиборлиси, газ ва сув мутахассислигига алоҳида ўрин берилган. Чунончи бу соҳа мутахассиси ҳам газ-электр пайвандчи, чилангар, ҳам ҳайдовчи, хуллас, керакли барча ишларни бир ўзи бажариши мумкин. Бундай касб эгалари республикамизда биринчи марта ўқитилади. Коллежда спортнинг кўп турлари билан шуғулланишга имконият яратиб қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Футбол, волейбол майдончалари, 2 та теннис корти, катта қишки замонавий спорт зали мавжуд.

Барча соҳа мутахассислари ўз йўналишлари бўйича ўқув режаларига эга. Бу режалар тажриба тариқасида республикамизда фаолият кўрсатаётган шу йўналишдаги коллежларга жўнатилди. Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, ушбу билим юртида хорижий тилларни чуқур, мукаммал ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бу мақсадлар учун тўртта лингофон хонаси ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Биз Республика машинасозлик бўйича касб-ҳунар лицейида ҳам бўлдик.

Лицей директори Бахтиёр Мавлоновнинг айтишича, ўқув маскани барча машинасозлик заводлари ҳамда корхоналарга керакли соҳа мутахассисларини тайёрлаб беради. 530 нафар ўқувчи 5 та соҳа, яъни металларга ишлов бериш, газ-электр пайвандчи, тикувчилик, автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда ЭҲМ ни таъмирлаш ва эксплуатация қилиш бўйича уста бўлиб етишади. Кези келганда, баъзи эътирозларимизни ҳам айтмоғимиз лозим. Лицей гарчи Тошкент трактор заводи ҳомийлигида бўлса ҳам корхона техник ёрдам бермаяпти. Кўп соҳалар бўйича замонавий дастгоҳлар йўқ. Масалан: Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича айрим керакли дастгоҳлар етишмайди, борлари ҳам ҳозирги замон талабига жавоб бермайди. Замонавий автомобил двигателлари ҳамда уларни бутлов қисмларидан ҳеч қандай намуна йўқ. Биз автомобил ишлаб чиқарадиган давлатлардан бири бўлганимиз учун ҳам бу соҳага катта амалий аҳамият ва ёрдам зарур. Аргон билан пайвандлаш ва пайванд чокларини текшириш дастгоҳлари, лингофон хонаси мавжуд эмас. Қизиқ, мазкур билим маскани республикамизда йирик машинасозлик лицейи ҳисобланса-ю, энг керакли замонавий дастгоҳлар, асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса, ўқувчилар амалда нимани ўрганади?

1999-2000 ўқув йилида очилаётган янги ҳамда реконструкция қилинаётган касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни жиҳозлаш учун қурилиш смета нархига кирадиган, ўқув лаборатория жиҳозлари ва мебелларни марказлашган ҳолда сотиб олиш учун шу йил биринчи сентябргача республикамиз бўйича барча вилоятлар 3,1 миллиард сўмни ажратиши керак эди. Амалда 18 августгача ҳолатдаги маълумотга қараганда 1.22 миллиард сўм ажратилган, холос. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси 222.2 миллион сўм ўрнига 53.5 миллион сўм, Сурхондарё вилояти 169.7 миллион сўм ўрнига 18 миллион сўм, Наманган вилояти 235.2 миллион сўм ўрнига 10 миллион сўм ўтказган.

Бир ҳақиқатни яхши англаб олмоғимиз даркор: керакли жиҳозлар ва техникавий дастгоҳлар масаласи узил-кесил ҳал қилинмай туриб, Миллий дастур талаблари асосида ўқувчиларга керакли билим бериш ва касб маҳоратларини оширишда самарали силжишга эришиш қийин.

**Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ.**




**НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Югославия ҳукуматининг австралиялик икки нафар фуқарони озод қилиш ҳақидаги қарорини юқори баҳолади.**

**Австралиянинг «Кэр Острэлиа» инсонпарварлик ташкилотининг икки вакили - 49 ёшли Стив Пратт ва 30 ёшли Питер Уоллэйс жорий йилнинг апрелида Югославияда ҳибсга олинган эди. Белград суди уларни инсонпарварлик ташкилоти вакили ниқоби остида НАТО фойдасига жосуслик қилаётганликда айблаб, май ойи охирида узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилган эди.**

* * *

**ВАШИНГТОН.** *Украина бош вазири ўринбосари Сергей Тигипко бошчилигидаги мазкур мамлакат ҳукумат делегацияси Халқаро валюта жамғармаси раҳбарияти билан учрашиш мақсадида Вашингтонга келди. Учрашувда томонлар Украинага 180 миллион АҚШ доллари миқдорида навбатдаги қарзни бериш билан боғлиқ масалаларда ўзаро фикр алмашади.*

*Кузатувчиларнинг айтишича, бу қарз Украина валюта захирасини тўлдиришга сарф қилинади. Агар мазкур масала ижобий ҳал қилинса, бу ХВЖ нинг Украинага берган иккинчи қарзи бўлади. ХВЖ жорий йилнинг июн ойида ҳам Украинага 115 миллион долларли дастлабки қарзни етказиб берган эди.*

* * *

**АЛ-ҚУВАЙТ. Ироқнинг жанубий ҳудудларига сафар қилган АҚШ конгрессменлари делегацияси вакили Филис Бенис дунё мамлакатларини Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга чақирди. У журналистларга ташриф доирасида бир неча касалхоналарга бориб, иқтисодий жазодан, айниқса, ироқлик болалар жиддий азият чекаётганига гувоҳ бўлганини маълум қилди.**

**Ироқ соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, мамлакатда озиқ-овқат ва дори-дармон етишмаслиги оқибатида биргина август ойининг ўзида саккиз мингга яқин бола нобуд бўлган. Улар беш ёшгача бўлган болалардир. Жазо чоралари бошланган кундан то шу кунгача нобуд бўлган жами болаларнинг сони эса қарийб ярим миллионга етган.**

* * *

**ПЕКИН.** *Пекин билан Вашингтон расмий доиралари Хитойнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши борасидаги музокараларни яна қайта бошлашга келишиб олди. Келаси ҳафта шу мақсадда АҚШ делегацияси Хитойга ташриф буюради.*

*Хитой вакилининг айтишича, икки мамлакат давлат раҳбарлари Билл Клинтон ҳамда Цзян Цзэмин ҳам 12-13 сентябр кунлари Янги Зеландияда ўтадиган Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида шу масалада музокаралар ўтказиши кутилмоқда.*

**(ЎзА)**



**Испания**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## РАИС ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Газетамизнинг 24 июл сонида «Ҳам куласиз, ҳам куясиз» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Ушбу мақола юзасидан Касби туман ҳокими ўринбосари Б.Каримовнинг таҳририятимизга йўллаган жавоб хатида айтилишича, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ходимлари, ташкилот ва хўжаликларнинг раҳбарлари, спорт йўриқчилари ва спортчилар билан бўлиб ўтган йиғилишда мақола атрофлича муҳокама қилинган.

Маълумки, мақолада қишлоқ жойларида ёш спортчилар учун шуғулланишга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмаганлиги, бу ишга масъул бўлган спорт йўриқчилари ўз ишларига масъулият билан ёндошмаётганликлари, моддий етишмовчиликлар боис спорт жиҳозлари олинишдаги айрим муаммолар танқид қилинган эди.

Жавобда таъкидланишича, ушбу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, камчиликларга йўл қўйган Т.Малик номли кооператив (ширкат) хўжалиги спорт йўриқчиси Саид Гулмуродов, Талишбе жамоа хўжалиги спорт йўриқчиси Ўлжа Мўминов, М.Улуғбек номли жамоа-ширкат хўжалиги спорт йўриқчиси Баҳодир Содиқов, «Комилон» жамоа-ширкат хўжалиги спорт йўриқчиси Нурбек Абдуллаевларга ҳайфсан берилди.

Ушбу хўжаликларнинг раҳбарлари М.Намозов, М.Гаджиев, А.Раҳмонов ҳамда М.Шониевларга спорт йўриқчилари фаолияти устидан назорат ўрнатмаганликлари эслатилиб, бундан буён жисмоний-тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиш, спорт йўриқчиларига амалий кўмаклашиш, уларнинг ишини назорат қилиб бориш масъулияти юклатилди.

Туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Луқмон Ражабов аризасига кўра ўз вазифасидан озод этилди.

Тумандаги барча хўжаликларнинг спорт йўриқчиларига, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида аниқ чора-тадбирлар белгилаш, ўз фаолиятларини яна бир бор назоратдан ўтказиш, мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси юклатилди.

# УНУТИЛМАС КУН

**Билимлар куни муносабати билан Қарши шаҳридаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли мактабда катта анжуман бўлиб ўтди. Мактаб директори Ҳалима Азизова тантанага йиғилган ўқувчи ва ота-оналарни янги ўқув мавсуми бошлангани билан табриклади.**

Бу йил ушбу зиё масканида 1200 нафардан ортиқ ўқувчилар таҳсил оладилар. Янги ўқув йилига мавжуд 36 синфхоналар яхши таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун «Қашқадарёпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамияти 4 миллион сўм ажратди. Бу маблағ нафақат мактабни таъмирлаш, балки кам таъминланган оила фарзандларини ва ўқитувчиларни йил мобайнида ижтимоий ҳимоялашга ҳам етади.

Мактабда 8 нафар олий тоифали ўқитувчилар бор. Шу боис бу ерда 11 та гимназия синфи фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, шу куни 185 нафар жажжи ўғил-қизлар биринчи синфга қабул қилиндилар. Уларнинг биринчи дарси «Ватан туйғуси» деб номланди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бугуннинг долзарб муаммоси*

# ТАБИИЙ МУВОЗАНАТГА ЗАРАР ЕТГАНДА

**Кейинги юз йилликларда инсоният табиий ва минерал хом ашё захираларидан пала-партиш фойдаланиб, бепоён ҳаво кенгликлари, сув ҳавзалари, ер майдонини ифлослантирди ва заҳарлади, бу эса иқлим ва табиатнинг ўта нозик мувозанатига шикаст етказа бошлади. Бизнинг табиат ресурсларига нисбатан бундай шафқатсиз хатти-ҳаракатларимиз бутун инсониятга таҳдид солмоқда. «Асрлар туташ келган паллада, - дейди Президентимиз Ислом Каримов, - бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир».**

**Ана шундай экологик хавфлардан бирини атмосфера озон қатламининг сийраклашиб, айрим ўринларда туйнуклар ҳосил бўлаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.**

Бизнинг соҳа ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз ичига олади: саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси, сувимизнинг тозалиги, ҳавомизнинг мусаффолиги, биологик ресурслар, одамлар саломатлиги, хуллас, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Буларга кейинги вақтда табиатдаги яна бир муаммо - атмосфера озон қатламида рўй бераётган ўзгаришлар қўшилди.

Озон ўзи нима? У рангсиз ўзига хос ўткир ҳидли газ. Атмосферанинг озон қатлами Қуёшнинг инсоният учун, умуман Ер юзидаги барча жонзот ва наботат олами учун ўта заҳарли ва зарарли бўлган ультрабинафша нурларини «ушлаб» қоладиган асосий тўсиқ ҳисобланади. Ер юзидан 15-50 км. юқорида жойлашган бу қатлам сайёрамиздаги ҳаётни муҳофаза қилиб туради. Аммо кейинги ярим аср ичида инсоният атмосферанинг шу қатламини емирадиган моддани ҳавога учириб, табиий мувозанатга зарар етказмоқда.

Ушбу қатлам 1839 йили К.Ф.Шонбейн томонидан кашф этилиб,кейинчалик бошқа олимлар ҳам уни чуқурроқ ўргана бошладилар.1920 йилдан бошлаб озон умумий таркибидаги миқдор ўзгаришларини, 1966 йилда эса Ернинг сунъий йўлдош орқали уни кузатишни давом эттирдилар. Ерда дастлабки озон қатламини кузатиш ва ўрганиш пайдо бўлди. Эндиликда уларнинг сони дунё бўйича 100 дан ошиб кетди. Кейинроқ ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида тадқиқотлар ўтказиб, атмосферанинг озон қатлами тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлина бошланди. Ҳозирги вақтда Марказий Осиё тоғлари ва тоғ олди ҳудудларида озонни ўлчайдиган 10 та тармоқ ишлаб турибди. Шундан бештаси республикамиз ҳудудида жойлашган.

Ўлкамиздаги Гидрометеорология Бош бошқармаси томонидан атмосферанинг юқори ва қуйи қатламида озон миқдори ва ундаги ўзгаришлар кузатиб борилмоқда, олинган маълумотлар Торонто (Канада) шаҳридаги Озон бўйича марказга берилади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, саноат ишлаб чиқаришида, музлатгич техникасида, ўт ўчиришда, сунъий иқлим ҳосил қилишда, электрон саноатида ишлатиладиган хлорфтор углеродлар туркумидаги кимёвий моддалар атмосферанинг озон қатламини емирар экан. Хўш, табиатдаги бундай ўзгаришларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриляпти, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бир қанча мамлакатларнинг давлат органлари, халқаро ташкилотлар шу мақсадда саъй ҳаракат қилмоқдалар. 1985 йилда жаҳондаги 147 та мамлакат иштирокида Вена Конвенцияси қабул қилинди. Конвенция атмосферанинг озон қатламини ўз муҳофазасига олди, икки йилдан сўнг Монреалда Протокол имзоланди. Бу ҳужжатларга мувофиқ, озонни емирувчи модда ишлаб чиқариш кескин камайтирилиши ва кейинчалик тўхтатилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси 1993 йилда атмосферанинг озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига ва Монреал Протоколига қўшилган ва қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олган: атмосфера озон қатламининг ҳолатини кузатиб бориш; емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич тўхтатиб боришга эришиш; ҳар йили емирувчи моддаларни четга чиқариш ва четдан келтириш тўғрисида статистик маълумотлар бериб бориш; бу соҳада ўтказилаётган тадқиқотлар, ишланмалар тўғрисида ҳисобот топшириш.

Бу вазифаларни бошқариб туриш Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Олий Мажлисимиз 1998 йил 1 майда Лондон ва Копенгагенда Монреал Протоколига киритилган тузатишларни ратификация қилди.Халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 январдаги N 9-Ф қарорига мувофиқ Республикамиз ҳудудида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш,бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилди. Унда Ўзбекистоннинг озонни емирувчи моддаларни босқичма-босқич қисқартириб бориш стратегияси ва ҳаракат режаси ўз ифодасини топган. Миллий дастур доирасида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш ва совутиш агентларини бошқаришни режалаштиришга йўналтирилган ЮНЕП ва ПРООН халқаро экспертлари томонидан тўртта инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Улар қуйидагича номланади: 1.Институциональ жиҳатдан мустаҳкамлаш ва ташкилий имкониятларни яхшилаш: 2.Совутиш тармоқларида ўқитувчилар ва техниклар малакасини ошириш : 3.Совутиш агентларини бартараф этиш ва зарарсизлантириш миллий дастури: 4.«Сино» очиқ турдаги акционерлик жамиятида (ОТАЖ) маиший совутгичлар ишлаб чиқаришда ХФУ-11 дан фойдаланишни тўхтатиш. Бу инвестиция лойиҳаларининг ҳар қайсиси учун алоҳида-алоҳида маблағ ажратилган, уларнинг умумий миқдори 3356194 АҚШ долларини ташкил этади.Глобаль экологик жамғарма (ГЭЖ) мазкур инвестиция лойиҳалари учун молиявий таъминотни ўз зиммасига олди. Унга жавобан Ўзбекистоннинг зарурий ҳиссаси 152830 АҚШ долларини ташкил этади.Бу маблағ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва тегишли саноат тузилмалари томонидан ажратилади.

Ушбу лойиҳаларда технологик асбоб-ускуналар келтириш,ОЕМ келтиришни тўхтатиш чораларини кўриш,«Сино» акционерлик жамияти ОЕМ ишлатишга барҳам бериш экспорт учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, таркибида ОЕМ моддалар бўлган маҳсулотни аниқлаш бўйича Давлат божхона қўмитаси назоратини таъминлаш, ОЕМ ўрнини босадиган моддалар бошқаруви учун офис ташкил этиш, монтаж,таъмирлаш ишларини олиб бориш, мутахассисларни ўқитиш, малакасини ошириш ва бошқа тадбирлар назарда тутилган.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида номлари келтирилган лойиҳаларни жорий этиш ҳисобига 142 тонна ОЕМ истеъмолдан чиқарилади.

Аслида бундай моддалар бизда ишлаб чиқарилмаган, уларни хорижий давлатлардан келтирар эдик. Бундан буён эса бундай моддаларни ёки таркибида озонни емирувчи модда бўлган маҳсулотни келтириш Республика Ташқи алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензия бўйича амалга оширилади. 2001 йилга бориб эса бундай моддаларнинг Ўзбекистонга келтирилиши квота бўйича амалга оширилади ва унинг юзасидан статистик ҳисобот юритилади.

Озонни емирувчи моддалар ўрнини босадиган зарарсиз турларини излаб топиш ва бунда маҳаллий ресурсларни ҳисобга олиш бўйича илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини рўёбга чиқариш ва уларни жорий қилиш манфаатдор ташкилотлар томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилади. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳам четда турмаслиги керак. Вазиятдан чиқиш имкониятлари қидирилмоқда. Чунки бу жараён бирданига пайдо бўлган эмас, уни тузатиш ҳам маълум муддатни тақозо қилади. Республикамиз ўтиш даврини бошидан кечирмоқда, шунга қарамай биз ОЕМ истеъмолини камайтириш бўйича белгиланган вазифаларан чекинганимиз йўқ. Бу борадаги ишлар тезлашмаётганлигига асосий сабаб ОЕМ бўйича ҳали ҳисоб-китоб юритилаётгани йўқ, лицензиялаш тизими ва божхона назорати жорий этилмаган, ОЕМ ўрнини босадиган зарарсиз воситалар учун маблағ етишмайди. Лекин бу қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, шу йилнинг 15 мартида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Сино» очиқ турдаги акциядорлик жамияти (ОТАЖ) базасида Европа реконструкция ва ривожланиш банки (ЕРРБ) ва Халқаро молиявий корпорация (ХМК) иштирокида маиший совутгичлар ишлаб чиқариш бўйича «Арсия» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бундай тадбирлар совутгич моддалар ишлатиладиган бошқа корхоналарда ҳам олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда ОЕМ ни истеъмол қилиш киши бошига 0.011кг ни ташкил этади (ҳозирча киши бошига 0.3кг миқдорида рухсат этилган).

Кейинги йилларда республикамизда ОЕМ дан фойдаланиш камаймоқда. Масалан, 1993 йилда 680 тонна фойдаланилган бўлса, 1994 йилда - 281т.,1995 йилда - 304т.,1996 йилда - 275т., 1997 йилда - 60т.ни ташкил этди. Демак, республикада олиб борилаётган тадбирлар туфайли ОЕМ истеъмоли икки баробардан кўпга камайган.

Бу яхши, албатта. Аммо бундай тадбир - чоралар бошқа давлатларда ҳам олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга, чунки атмосфера ҳавоси барча давлатлар учун умумий, демоқчимизки, ҳаво ҳаракати чегара билмайди.

1997 йил 15-16 май кунлари Тошкентда иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар иштирокида Ҳукуматлараро учрашув бўлиб ўтди, унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Табиатни муҳофаза қилиш, Молия ва Ташқи ишлар вазирликлари қатнашдилар. Учрашувда БМТ нинг атроф муҳит бўйича вакиллари - Глобал экологик фонд котибияти, Озон бўйича котибияти ва бошқа ташкилотлар иштирок этдилар. Учрашув қатнашчилари озон қатламини муҳофаза қилишга келишиб олдилар. Шунингдек, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг ОЕМ дан муҳофаза қилишдаги мақомини белгилаш, озонни емирувчи моддалар бўйича статистик маълумотлар олишни йўлга қўйиш, турли мамлакат божхона хизмати учун озонни емирувчи модда таркибий қисмини идентификация қилиш, Миллий дастурини маблағ билан таъминлаш, озон таркибини тузатишида мониторинг тизими билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва бошқа масалалар келишиб олинди. Шундай қилиб, озон қатлами муҳофазасини ўз зиммасига олган Вена Конвенциясига аъзо бўлган давлатлар 150 тага етди.

1995 йилдан бошлаб БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан 16 сентябр атмосферадаги озон қатламини муҳофаза қилиш Халқаро куни деб эълон қилинди. Бундан мақсад - бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборини ушбу муаммога қаратиш. Бу соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва амалий ишларга янада кенгроқ йўл очиш, ОЕМ дан фойдаланишни камайтириш ва аста-секин тўхтатиш, Вена Конвенцияси ва Монреал Протоколида келишилган талаблар ижросини тезлаштиришдан иборатдир.

**Асҳад ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси.**

